

ЎЗШКЕТҲАҚИҚАТ

РЎЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИКА БОШЛАГАН



Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

1991 йил 19 октябрь • шанба

№ 203 (10.199). Баҳоси 10 тийин.

• Ўзаро ҳамкорликнинг янги қирралари •



СУРАТДА: музокара пайти.

Сураткаш В. ТУРАЕВ.

ИККАЛА ТОМОН ҲАМ МАНФААТ КҮРАДИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ВА ОЛТОЙ ҮЛКАСИ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ ЎЗАРО
ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТҮГРИСИДАГИ ШАРТНОМА УСТИДА
ИШЛАМОҚДАЛАР

МАНА икки кундирки, ви-
лоятимизда РСФСРнинг
Олтой үлкаси делегацияси
ўзаро иқтисодий ҳамкор-
ликни мустаҳкамлаш, яна-
да кенгайтириш юзасидан
музокаралар олиб бормоқда.
Шуни алоҳида таъқидлаш
керакки, Тошкент вилояти
бир қатор үлка ва вилоят-
лар билан ўзаро ҳамкор-
лик юзасидан амалий на-
тижаларга эришмоқда. Жум-
ладан, Чимкент, Омск, Ке-
мерово вилоятлари билан
шартномалар имзоланди.
Эндиликда Олтой үлкаси
билан ҳамкорлик түгриси-
даги шартнома устиди иш-
лағи ниҳоясига етмоқда.

Аслида Олтой үлкаси би-
лан Тошкент вилояти ўр-
тасидаги алоқалар ўрна-
тилганига анча бўлди. Ху-
сусан бу борада бекобод-
ликлар салмоқли иш қи-
лишмоқда. Мана иккинчи
йилдирки, улар олтойлик-
лар билан ўзаро товар
айирбошламоқдалар. 1991
йилнинг ўзидаётек Бекобод
шаҳри Олтой үлкасига ме-
тall прокатлари, цемент
ва шифер етказиб бериш
хисобига у ердан 50 тонна

гўшт, 400 тонна картошка,
11 тонна сариёв ва пишлок
маҳсулотлари олди.

Бекобод шаҳар ижроия
қўмитаси раиси Шукрулла
Бобоевнинг маълумотлари-
га қараганда, келгусида
маҳсулот айирбошлаш хи-
собига Бекобод шаҳри ало-
лиси учун Олтойдан 6 минг
тонна гўшт, 1200 тонна са-
риёв, 100 тонна пишлок
олинади. Бу шунчаки гап-
лар эмас. Зоро, ўзаре ҳам-
корликдан ҳар иккала томон
ҳам манфаат кўради. Шу йилнинг ўзидаётек 800
тонна металл прокати Олтой
үлкасига жўнатилди.

Яна шуни қайд этиш ке-
рарки, Олтой үлкаси деле-
гацияси таркибида ўлка
ижроия қўмитаси вакиллари,
Олтой трактор заводи
ишлаб чиқариш бирлашма-
си, пахтани қайта ишлаш
комбинати, ўлка тијорат-
воситачилик компанияси,
ўлка матлубот жамиятлари
бошқарувин ҳамда бошқа ну-
фузли ташкилотларнинг
аъзолари борки, бу учра-
шувнинг амалий ва нати-
жали бўлишида катта роль
ўйнамоқда.

Биз Олтой үлкаси делега-
циясининг раҳбари, ўлка
ижроия қўмитаси раисининг
ўринбосари Владимир КО-
НОВАЛОВ билан бу таш-
риф ҳақида сұхбатлашдик.

— Тошкент вилояти би-
лан Олтой үлкаси ўртаси-
даги ҳамкорликни йўқ жой-
дан бошлаётганимиз йўқ, —
деди В. Коновалов, — биз
Тошкент вилоятига газла-
ма, шина, станоклар, фан-
ер ва бошқа маҳсулотлар
етказиб беряпмиз. Улкан-
гиздаги «Компрессор» заво-
ди бизда ишлаб чиқарилган
моторларда ишлади. Олтой үлкаси учун эса ўз-
бекистонда ишлаб чиқарила-
ётган экскаваторлар, пахта,
жун, прокатлар ҳамда кап-
ролактам маҳсулотлари жу-
да асқотмоқда. Биргина
пахта ҳақида гапирадиган
бўлсан, бу хом ашё Олтойда-
ги 20 минг кишини иш билан
таъминлашда катта аҳамиятга эга. Чунки Бар-
наулда мамлакатимиздаги
ирик пахтани қайта ишлаш
ва рангли газламалар иш-
лаб чиқариш комбинатлари
жойлашган. Ана шунинг
учун ҳам биз хом ашё ет-

Биз Россия федерацияси
раҳбарларига республика-
лардо маҳсулот етказиб
бериш масаласи кўриб чи-
қилаётганда, масаланинг
ана шу жиҳатини ба бу тўрт
вилоятнинг ўзаро ҳамкор-
лигини ҳисобга олишин ил-
тимос қилиб мурожаат қил-
дик. Чунки бундан жуда кат-
та мантиқ бор.

Мен юқорида ўзаро ҳам-
корликни ўрнатиш учун
қандайдир бўйруқ ёки кўр-
сатмани кутиш шарт эмас-
лигини айтдим. Бу ишни
қанчалик тез амалга оширас-
сан, шунчалик яхши бўлади
деб ўйлайман. Мана, ўзин-
гиз гувоҳсиз, биз «мар-
каз» сиз ҳам бир-биримизни
тушуниб, ҳамкорликни йўл-
га қўялмоқдамиз-ку! Гап
фақат тузилган ва имзо-
ланган ўзаро шартнома-
ларни аниқ бажарища
қолмоқда. Зоро, бундан ҳар
иккala томон ҳам тўла
манфаат кўради.

КЕЧА Олтой вилояти де-
легациясини Ҳалқ депутат-
лари Тошкент вилоят Кен-
гашининг раиси С. Д. Сай-
далиев қабул қилди.

Бу учрашувда ҳам иккى
томонни қизиқтирган маса-
лаларни муҳокама қилиш
давом эттирилди. Жумладан,
Тошкент вилояти Олтой үлкасидан
йилга 15 минг тонна гўшт ва гўшт
маҳсулотлари, 2500 бош от ҳам-
да тирик вазнда қорамол,
шунингдек, 15 миллион па-
гон метр газлама етказиб
бериш масаласини кўриб
чиқиши таклиф қилди. Уз
ўрнида бўлиб ўтган музо-
карада олтойликлар пахта
толаси таъминотини 10 минг
тоннага етказиш, сантех-
ник-фаянс идишлар етка-
зив беришни 1991 йил да-
ражасида саклаб қолиши, ли-
нолеум ҳамда Олтой трактор
заводини ривожланти-
риш учун у ердан трактор-
лар ва эҳтиёт қисмлар ет-
казиб бериш ҳисобига пул
маблаги ажратини маса-
лаларни кўриб чиқиши так-
лиф қилдилар. Ҳар иккala
томон ўзаро ҳамкорликнинг
янги йўналишларини излап,
алоқаларнинг самаралироқ
бўлишига эришиш учун хў-
жалик ҳисобидаги доимий
фаолият кўрсатадиган Тош-
кент вилоятида Олтой үлка-
сининг Барнаулда Тош-
кент вилоятининг вакил-
ларидан иборат гурух ту-
зишга келишиб олдилар.

Юқоридагиларнинг ҳамма-
си Тошкент вилояти ва Ол-
той үлкаси ўртасида ўзаро
иқтисодий ҳамкорлик тү-
грисида имзоланиш учун
тайёрланган ҳужжатларда
ўз ифодасини топди. Иқти-
садий ҳамкорлик түгриси-
даги шартнома эса Тош-
кент вилояти делегацияси-
нинг шу йилнинг ноябрь
оиди Олтой үлкасига қи-
ладиган сафарида имзола-
нади.

(УЗ МУХБИРИМИЗ)

«ГАЗ ДЕ ФРАНС», «АКТИМ» ВА «НОРГАЗ»

17 октябрь куни Тошкентда газ саноатига доир халқаро анжуман бошланди. Унда Франциянинг «Газ де Франс» фирмаси ва «АКТИМ» деб атаган техника, саноат соҳасида ва иктисодий ҳамкорлик агентлиги, «Норгаз» Совет—Франция қўшма фирмаси, шунингдек СССР давлат стандарти ва Узбекистон давлат стандарти

ти вакиллари, Узбекистон ва Қозогистон газчилари қатнашмоқдалар.

Тошкентдаги анжумандан олдин худди шундай симпозиумлар Москва ва Киевда бўлиб ўтди, — деди «Газ де Франс» фирмасининг директори Жак Котто. — Унинг мақсади — Ўрта Осиё ва Қозогистондаги ҳамкасларни фирмада

миз ва бир қанча бошқа француз фирмаларининг газ саноати соҳасидаги технология янгиликлари билан таниширишдан иборат. Бу янгиликлар газдан тежаб фойдаланиш, газ қувурлари ҳавфислиги, экология муаммоларига ва бошқа жиҳатларга тааллуқлайдир. Ҳозирги учрашувнинг энг муҳим вазифаларидан бири Совет ва Франция газ саноати учун ягона стандартларни ишлаб чиқишга доир ишларни мувофиқлаштиришдан иборат.

ОБУНА-92

Тошкент ҳақиқати

ҚАДРДОН РЎЗНОМАНГИЗГА ЁЗИЛИШНИ УНУТМАНГ!

1992 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна давом этмоқда. Бошқа нашрлар қатори «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» рўзномасига ҳам барча алоқа бўлимларида обуна қабул қилинмоқда.

«Тошкент ҳақиқати»нинг бир йиллик обуна баҳоси — 25 сўм 68 тийин, ярим йилга 12 сўм 84 тийин, уч ойга эса 6 сўм 42 тийин.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР! Фурмат ганиматлигига ўз рўзномангиз — «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га обуна бўлишга шошилинг!



Жамиятимиз муаммолари

БОЗОР ИҼТИСОДИ ҳали тўйи-тўйис бошланмай туриб, ахли бозор уни ўзларича аллақачон бошлаб юборганлигини сиз ҳам ҳар куни сезиб, кўриб турган бўлсангиз не ажаб! Ҳозир бозорда қўй гўштининг килоси 22 сўмга, молники эса 15 сўмга, ҳатто от гўшти ҳам кечагина 15 сўмга чиқиб олди. Айрим савдо ходимлари эса бозор нархини эмас, ҳатто давлат дўконидаги молларни ҳам ўзбошимчалик билан сунъий равиша ошириб юбораётганларини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайсан киши. Кечагина Оҳангароннинг автомашиналар тўхтайдиган бекатидаги кабобхона олдида бир бемаъниликинг тувоҳи бўлдим. Кабобхўлар учун қўйилган сўричада иккى йигитча ўз-ўзлари билан нималар тўғрисидар бахслашаётир. Шу пайт бир киши келиб бир шиша ароқ сўради.

— Бўлгани 25 сўм,— деди ҳалиги йигитчалардан бидри.

— Инсоф қилсангизчи, ахир кечагина 15 сўм эдику, бу савил,— деди харидор.

— Олсангиз шу, бўлмаса, ана, катта кўча,— деб ӯдайлади яна «сотовучи». Шу пайт орага девдай бир йигит келиб қўшилди ва харидорни жеркиб ташлади. Унга ароқ жуда зарур экан шекилли,

25 сўмга олиб кетди. Шундай қилиб, қандайдир иккى-уч минутнинг ичидаги ҳалиги текинтамоқлар иккى юз сўмдан кўпроқни «ишлаб» олдилар.

Биз Оҳангароннинг катта бозорига бордик. Шеригим сигарета излади, пистачи аёлларнинг ёнига борди.

— Биз сигарета сотмаймиз, мантапазлардан сўранг,— дейишиди унга. Мантапаз-

диган фабрикаси, лезвие ишлайдиган цехию, қалам-дафттар етиширадиган корхоналари борми? Ёки буни милиция билмайдими? Жуда яхши билади. Аммо бу ҳақда гап очсангиз уларнинг жавоби тайинли: чайқовчиларни ушлаш учун жамоатчилик кенг кўламда ёрдам берishi керак. Милиция бу гапни яқин 50 йилдан бери айтаяпти. Жамоатчиликкун ёрдам

жойда, ҳатто яширмасдан давом этираяптику, наҳотки уларни тўхтатиш мумкин эмас? Бундай бўшанглик эса шубҳасиз пулнинг қадрсизланишини тезлаштиримоқда. Агар аҳвол шу зайлда давом этаверса ноҳия ичкни ишлар бўлими раҳбарияти бундан кейин чайқовчиларни қарши кураша олмайди. Чайқовчилик эса кун саин томир отиб бораётни.

қишини аҳволга келганда ҳамюрларига сунъий азоб беरувчи, пулнинг қадрсизланиши учун катта ўйлочувчи, пул учун ҳатто вижонларини ҳам сотовучи, пул бўлса ҳеч нарсадан тоймайдиган, имонни ҳам, онлани ҳам, келажакни ҳам, ҳатто ширин сўзни ҳам сотадиган кишилар билан камбагалнинг шўрини қуритаётган зааркундалар бозоридир. Шуларни ўйлайману мархум драматург Умаржон Исмоиловнинг «Рустам» номли тарихий драмасидаги мана бу монолог ёдимга тушади:

Пул бўлса, пул бериб базм оласан,
Пул бўлса, пул бериб хотин оласан,
Пул бўлса, пул бериб имон оласан,
Пул бўлса, пул бериб вижон оласан.
Жонлар пул, танлар пул, кўраклар ҳам пул.
Ҳаттоқи жұаббат, юраклар ҳам пул.
Пул бўлса, пул учун тизин чўксалар,
Пул бўлса пул учун ерни ўсалар,
Пул бўлса, пул учун одамни сўйиб,
Қонидан кўчага сувлар сепсалар.
Айтнингчи: ким кучли,
худоми ё пул?
Мўмин ҚАЮМ.

ЗАРАРКУНАНДАЛАР БОЗОРИ

лар эса сигарета бозорини анча чақон олиб борар экан. Бир пачка «Экстра» сигаретаси бир ярим сўм, «Опал», «Стюардесса», «Столичний» ва бошқа сигареталарни уч сўмдан сотишадиги. Умуман мантапаз ва писта сотовчиларнинг қўлида нималар йўқ дейсиз! Соқол оладиган лезвиедан тортиб қошиб бўйидиган қаламгача, ҳатто ҳозир бозори чақон бўлган мактаб болаларининг оддий дафтарлари ҳам чайқов нархидан улардан топилади.

Ҳайрон бўламан: нима, чайқовчиларнинг ароқ заводиу, сигарета ишлаб чиқара-

берар, аммо чайқовчиларни қарши милициянинг ўзи ни ма қиласяпти? Яқинда Қорахотин қишлоқ Шўросида бўлган бир йигилишда ноҳия ичкни ишлар бўлмининг бошлиғи Солижон Убайдуллаев бундан кейин чайқовчиларни қарши кескин ўт очилиши тўғрисида гапирган эди. Афусуси бу гаплар худди совун кўпигидай ўша пайтда ҳавога учеб кетди. Уз-ўзидан савол түғилади: майли, каттакатта чайқовчиларни ушлаш анча қийинди, лекин сигарета ёки ароқ билан чайқовчиларни қиласяпти? Ҳозир бу бозор иҼтиносиди эмас. Бу давлатнинг чўнгатаги тешилиб, тириклик айни

ЮТУҚ БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ!

1991 йил 9 октябрда Гулистон шаҳрида ўтказилган 98-ютуқлар тиражининг Расмий жадвали

Счёт номерлари	Омонат қолдигининг ўртачий матиғати фоиз ҳисобида чиқкан ютуқ миқдори
----------------	---

A—25	25 (йигирма беш) фоиз
A—72	25 (йигирма беш) фоиз
A—101	100 (юз) фоиз
A—125	25 (йигирма беш) фоиз
A—160	25 (йигирма беш) фоиз
A—226	25 (йигирма беш) фоиз
A—255	25 (йигирма беш) фоиз
A—300	25 (йигирма беш) фоиз
A—327	25 (йигирма беш) фоиз
A—374	200 (иқки юз) фоиз
A—412	25 (йигирма беш) фоиз
A—464	25 (йигирма беш) фоиз
A—490	25 (йигирма беш) фоиз
A—555	100 (юз) фоиз
A—587	50 (эллик) фоиз
A—603	25 (йигирма беш) фоиз
A—670	50 (эллик) фоиз
A—706	25 (йигирма беш) фоиз
A—757	25 (йигирма беш) фоиз
A—763	25 (йигирма беш) фоиз
A—808	25 (йигирма беш) фоиз
A—855	25 (йигирма беш) фоиз
A—899	25 (йигирма беш) фоиз
A—952	25 (йигирма беш) фоиз
A—990	25 (йигирма беш) фоиз

Счёtlар сони 1000 дан ортиқ бўлган жамғарма банкларида биринчи минг сонликкага каби барча қолган 1000 сонлик счёtlарнинг ўша номерларига ҳам ютуқлар чиқди. Масалан, A—25, A—1025, A—2025, A—3025 ва ҳоказо; A—72, A—1072, A—2072, A—3072 ва ҳоказо счёtl номерлари юти, демакдир.

Тираж комиссиясининг раиси:

Т. А. ҚОСИМОВА.

Гулистон шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари.
Комиссия масъул котиби:

Т. М. МИНИБОЕВА,
«Узрессебербанк» комплекс хизмат бошқарувини бошлиғининг ўринбосари.

«ЭРА» ТАЖРИБА-ТИЖОРАТ АГЕНТЛИГИ.

Тошкент вилояти Калинин районидаги Маяковский номли 1-ўрта мактаб томонидан ҲАЛИЛОВА Дилдора Миртоировна номига берилган Б 547454 номерли ўқолган саккиз йиллик маълумот ҳақидаги гувоҳнома

БЕКОР ҚИЛИНАДИ




Сабиёл Ҷағъеват

• МУШОИРА—91 •

Нормумин ЭРКАЕВ — 1964 йилда туғилган. Низомий номли Тошкент Давлат мұаллимлік олий илмінің үзбек филологиясы куллиятини тутатған. Шеърлары жумхурият матбуотида еълон қилинген.

Хозирги кунда Тошкент Давлат агарт дорилғанда үзбек тили ва адабиёттада дарс беради. Қуйидә унинг шеърларидан чөп этилмиз.



СЕВГИМНИ КИМ УЧУН АСРАДИМ?..

Кўзимга ой алвон ёниб тўклиди,
Тилим бир оҳ-фарёд солиб туттилди.
Қалбим қўлимда мушт бўлиб тугилди.
Нечун қўкрагимга тигурдинг; Ҳаёл?
Еллар толлардан ўч олиб йиглайди.
Сувлар тошларга соч ёйиб йиглайди.
Ранимга ўлсам куч, кулиб йиглайди,
Нечун қўкрагимга тигурдинг; Ҳаёл?

* * *

Ҳар сафар унудим сенинг борлигинги,
Билмадим, дилининг қай бурчиди здинг.
Ҳар сафар шу ҷоҳга мажбур тушади,
Ҳар сафар юзида қон талашади.
Гоҳ будут тагида йиглар ўлтириб,
Гоҳ зангор кенгликка ҷиқар ялтириб.
Наҳот, дардим қўзғаб яна унудим,
Севгимни ким учун асрарим, кутдим.
Лекин яна зулмат тун юҳо бўлди,
Ютгани бир баҳти бебаҳо бўлди.
Ишқа кийизганим бир каған бўлди,
Мента қолган бор—йўқ шул ўлан бўлди.

* * *

Сукунатдан қулоқларим кар,
Қўзларим кўр эди тун аро.
Ногоҳ пайдо бўлиб тубсиз жар
Мента ун ва ранг берди дунё.
Аммо энди кеч, қулаганим,
Бўш ҳаводан ким најжот излар?
Баҳт кетгандек мен сабрсиз —
Кутаман!..

Нечун ҳамон тутамайди жар?



Мехр сўзларга сочилиб, қоғозларга тўклиди,
Руҳим гоҳ япроқ бўлиб, гоҳида хазон бўлиб.
Ниҳоят ўз қўлимда қоғоз бўлиб ёқиди
Гализ шеърлар касридан оддий бир қурбон бўлиб.
Мана ёнар вужудай овозим овозлариз,
Ёнар ҳаёл ичиди ёмоқда буюк ватан.
Ёнар дардлар ичиди башар Ер — самолариз.
Нечун оҳ йўқ дилимда, азобда титрамас тай.
Ногоҳ деразам чертар, ким у, қарайман шамол
Мени кучиб йиглайди, у чеккан оҳу, фигов
Ўйиб тушар дераза қўзларини беомон,
Фақат қоғоз қўллари ҳавода учар бу он.
Фақат қоғоз қўллари... Муз қотган менинг кўнглини
Сочилиб кетди шундай белгисиз ёқлар томои.
Дард-у, ҳаёллар эзиз, не кечар энди ҳолим,
Йўқ, лозим эмас бири, бир қаттиқ оғриқ армон.
Токдан узилса бир бош узум ўғри қўлида
Оғрисин баданларим, узилгандек томирим.
Бир пок виждан адашиб кирса юлғиз ўйлига
Нажот бера олмасам ғамга тўлсии бор умрик.
Қоғозгамас жонимга жойлай токи олами,
Жон оғрисин жаҳоннинг жаҳоний дардларидан.
Ахир инсон демаймиз оғриқлариз одамни,
Инсонлик иборатдир шу оғриқ гардларидан.

Нормумин ЭРКАЕВ.

Ер лабларининг қиёси ташбехи кўп: ёқут, май, асал, бол, шакар, гунча, қирмизи. Бироқ сенинг лабларингта бу сўзларингнинг ҳеч бири мос келмайди. Чунки ёқутнинг нархи паст, май кучсиз, асалу шакар таъмсиз, гунча — қупол, қирмизи эса рангсиз!

Юзингу қўзларингни, сочингу қошларингни, қомату малоҳатингни таъриф этгандим. Фақат... Лабларинг ҳақида лаб очмоқса сўз тоғлай юрардим. Шу боисдан бўлса керак, ҳар сафар лабларингта келганд... лаб босиб қўяр эдим, холос. Ва ҳар сафар вужудимга қандайдир ҳарорат юргандинек,

ОЛОВ ЛАБЛАР

Лирик қатра

«Чу оташест лаби лаъли
пурфасонан ў»

Забон ба ишва бир
оварданаш забонаи ў»

Бу байтнинг маъносини ҳамма ҳам тушуниши мумкин: «Ағсанага тўла унинг лаъль лаблари оловга ўхшайди, ишва билан тил чиқардик».

Ба, бу тил (ӯша) оловнинг алангасидир!»

Аммо бу маънонинг мағзини ичиди, яъни, юрагида оташ — ишқ олови бор одамгина чакмоқда қодир.

Шу барабаридаги ҳар бир ошиқ ўз ёрининг лабларига лаб қўймоги мумкин. Бироқ айримлар ундан олов тафтини тополмас. Чунки лаблар олов бўлмоғи учун лаб сохибасининг ҳам ичиди, яъни қалбидаги ўша ошиғи ёқдан оташ бўлиши шарт. Негаки, оловнинг ўзани юракдадир. Шунинг учун ҳам ёр «ишва билан тил чиқаргандага аландек» кўринади.

Агар кимдаким бу сўзларга шубҳа қилса, яна Ҳазрат Навоийдан эшитсин:

Тоиров мана 40 йилдан ошдики, ўз санъати билан ҳалққа хизмат қилиб келмоқда.

Иттифоқ маданият 1963 йилда Мўгулистон Ҳалқ Жумхурияти билан шартнома тузди. Унга биноан бир гурух мусиқа мутахассисларимиз Мўгулистонга бориб, З 3 йил ишлаб келишларни керак эди. Мазкур гурухда Узбекистондан вакил бўлиб М. Тоиров борди. М. Тоиров у ерда ҳам бир қанча шогирдларга устозлик қилиди. Эвер, Бурзә ҳамда Биштурк каби мўгул ҳалқ чолгу асбобларини таомиллаштириб кайтиди. Устоз санъаткор ажойиб музаллим М. Тоиров ҳақида Мўгулистонда хизмат кўрсатган артист Цоғ Золма: «Узбекистонлик етук созандаги мусиқа музаллим ўзининг улкан истеъоддод эгаси эканлигини ва моҳир музаллимигини Мўгулистонда ҳам исбот этди. Бу санъаткорни улкан истеъоддини ҳар қанча ташвиқот қиласак ҳам кам», деган эди. Ҳа, М. Тоиров эъзозга лойиқ санъаткор. У Ливан, Венгрия, Сурғия, Польша, ГДР каби қатор мамлакатлардаги сафарларидаги ҳам ўзбек найи садоларини янтрашиб олиши олди. М. Тоиров Ҳабибулла Раҳимов билан ҳамкорликда най учун, чанг учун,



Расулжон Солиев, Тошкент маданият оқартив техникумидаги Омон Азизов каби қатор ўқитувчилар — Мирза аканинг сабоқи ўқувчилари 1957 йилда Москвада ўтказилган ёшлар ва студентларнинг фестивалида иштирок этишиб, лауреат бўлган эдилар. Бундан ташкиари, унинг шогирдларидан Вьетнам консерваториясида ўқитувчилар ишлаб ўтказилган Ни Чунг, Хоҳ Хах Тик, Нгуен хон Тхай ҳам ўз устозларидан миннатдорлар. Катта истеъоддод эгаси 60 ёшли мураббий санъаткор М.

афғон рубоби учун концерт пъесаларини ҳам ёди. Моҳир созандаги таҳрибали ўқитувчи М. Тоиров ҳамон ижод билан машғул. Унинг кўп йиллик меҳнатларни «Узбекистон ҳалқ артисти» деган унвонга муносиб. Биз олижаноб инсон, моҳир созандаги музаллим Мирза Тоировнинг беминнат хизматлари янада юзага чиқади, у юксак унвонга эга бўлади, деган умиддамиз.

Абдулла ТОЛИПОВ,
маджнат фахрийси

«Намояндам зи гиребони чок сийнаи чок,

Зи чоки сийна намоён даруни оташюк»

Яъни: «Чок бўлган кўкимни йиртиқ ёқамдан кўринади, кўкимнинг чокидан эса оловли ичим — юрагим кўриниб туради».

Ҳа, мен сенинг лабларингни оловга қиёс этдим. Чиндан ҳам улар оташинадир. Ва бу оловнинг ўзани қалбингда эканига заррача шубҳам йўқ!

Дилмурад САЙДОВ.

АЛЛАЙ БОҒ: НИҚЛИК КИРИТИШ КЕРАК

И йилларда вилоятимизда ҳам муҳофаза қилиш, ундан оқиломли фойдаланиш йўлда катта борилаланти ва улар ўз ижо-каларини берга бошлади. Узбекистондаги Вазирлар Кенгашининг 30 июль 270-раҳамли тасосида ташкил қилинган Угоммий давлат бугига ёрқиндан бири бўлади. Милбустонлик, Паркент, Осанга-лари ҳудудларининг бир қисиблааб, жами 574,6 мянг гектар қамраб олади.

Президенти ҳузурининг 1991 йилдаги 111 сонли «Угоммий давлат табиат миллий паркни тасдиқлаш ҳақидаги қанон» (мазкур қарорнинг 2-банди) ёткоз давлат миллий бугига Чирчурумтулла ўрмон хўжаликларини 808 гектар ер майдонини беирланган. Шу ерда бир ноанник қўйилға юга ўхшайди, чунки арофда миллий парк майдони кўрсатилган. Юқорида келтирилган Вазирлар Кенгашининг 30 июль 270-раҳамли қанон (2-сўз боши). Узбекистон республигинин лойиҳалари илмий-илимгоҳи томонидан ишлаб чи-том. Чоткот давлат табиат миллий ташкил қилиш бош схемаси 808 гектар майдонда илова қириши асосида тасдиқлансан».

Бу қарор бекор қилинмаган кинчи қарорда миллий парк 241008 гектар қилиб белгиланаки қарор бир-биринга накадар 6 қолаяпти. Бу майдон чегараси, худуди қайта кўриб қицилиб, аниқлик киритиши талаб қиласди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат ташкил қўмитаси иктиёрида бўлади деинлган. Лекин шу кунга қадар ба қўмита томонидан миллий паркни ташкил қилиш ва Низом асосида амалий иш олиб бориш ва бугига ёрқинни ташкил қўмитаси иктиёрида бўлади деинлган. Лекин шу кунга қадар ба қўмита томонидан миллий паркни ташкил қилиш ва Низом асосида амалий иш олиб бориш ва бугига ёрқинни ташкил қўмитаси иктиёрида бўлади деинлган.

Низомнинг 23-бандида «Миллий парк фойданини ташкил қилиш» табиатни муҳофаза қилиш давлат ташкил қўмитаси иктиёрида бўлади деинлган. Лекин шу кунга қадар ба қўмита томонидан миллий паркни ташкил қилиш ва Низом асосида амалий иш олиб бориш ва бугига ёрқинни ташкил қўмитаси иктиёрида бўлади деинлган. Лекин шу кунга қадар ба қўмита томонидан миллий паркни ташкил қилиш ва Низом асосида амалий иш олиб бориш ва бугига ёрқинни ташкил қўмитаси иктиёрида бўлади деинлган.

Умуман табиат миллий бугига ташкил этиши ва ундан фойдаланиш низомни ҳамда бугига чегараси, худуди қайта кўриб қицилиб, аниқлик киритиши талаб қиласди.

Табиат миллий бугига ташкил этиши ва ундан фойдаланиш низомни ҳамда бугига чегараси, худуди қайта кўриб қицилиб, аниқлик киритиши талаб қиласди.

Н. БОБОЖНОВ,
Бўстонлик ишчига табиатни муҳофaza
за қилиш қўмитаси раиси.

НОЕБ СУРАТ

● ЯПОНІЯНИНГ Сендей шаҳридан аквариумда ола дельфиннинг туғилиш паҳзасини туширган сураткашга ҳамкаслари ҳавас қиссалар арзиди. «ЧАҚАЛОҚ» дельфиннинг оғирлиги 7 килограмм бўлиб, узунлиги 75 сантиметрга етади. Бу Японияниң ойнаванд ҳовузида, яъни тутқунликда туғилган тўртничи дельфинчадир.

КИОДО—ТАСС сурати.

МАСЛАҲАТЛАР


Ўйған бўлинма-ходимлари яна илан кутилиши мадди. Назорателийиши мадди. Цех Рахабовга юз жарима соларниң бўндан бўён ормасдан амалий иш турти бўйни мазманини мумкинларни турти.

Ферма шу вақтгача махсус сувдан фойдаланиш руҳсатномасин олмаган. Бунинг устига сувнинг истеъмол қилиниши

устидан ҳисоб-китоб олиб борилмайди. Унинг қанча ишлата таъләтгандигини ёч ким билмайди. Фермада сувдан фойдаланиш конунчилигининг кўпол равишда бузилишига ўйл кўйган ферма мудири 50 сўм миқдорида жарима тўлашга мажбур бўлди.

● ОҚҚЎРҒОН нюхиясидаги «Оққўрғон» ва С. Сизигбоев номидаги давлат пахтаклих хўжаликларида фишт заводларининг ишга туширилиши айни мудда бўлди. Хўжаликлар ҳам, шахсий ўй-жой курувичлар ҳам бу корхоналарда ишлаб чиқарилётган қимматли қурилиш материалдан фойдаланиш имконига эга бўлдилар. Фишт қидириб, сарсон-саргардан бўлишдан кутулдилар. Заводларнинг маҳсулоти жуда зарур эканлигини ҳисобга олган нюхия табиатни муҳофaza раҳбарлиги руҳсат берилди.

Буни аниқлаган давлат инспекцияси иккакла завод ишини тўхтатиб қўиди. Янги мавсумга табиатни муҳофaza қилиш ишлари тўла амалга оширилади, деб кафолат хати бериландан кейин фишт корхоналарининг ишлаши учун вақтинчалик руҳсат берилди.



ЯНГИ ТЕЛЕКЎРСАТУВ

● УЗБЕКИСТОН телевидениесининг «Тошкент» студияси ўзининг наабатдаги «бу оқшомда» номли кўрсатувларидан бирини Тошкент вилояти ва шахридан экологик аҳволга багишлади. Бу кўрсатуда телетомошибинлар қизиқарли кишилар билан учрашадилар, шадримиз ва вилоятимиз ҳаёт тўғрисидеги ҳикояларни тинглавидилар. Шунингдек, Бўстонликнинг бетакор гўзалликка бўрканган тогларини, арчазорларини, сувларини ҳам юкоридан, ҳам ёнидан олинган тасвиirlарда томоша қиласди.

● СУРАТЛАРДА: тележурналист Светлана Даминованинг Узбекистон Республикаси табиатни муҳофaza қилиш давлат комитети қошидаги давлат бионазоратникинг бош мутахассиси Геннадий Гончарев билан сұбатини тасвири. Қулсан Разуматов суратга туширилоқда (юкорида); вертолёт бортидаги тасвирига тушириш осон иш эмас. Бу ерда бакувват тасвиричнинг ҳам оёғи толиб кетиши мумкин; «Правда» рўзномасининг 50 миллим номли соҳиб директори Толибжон Саидзимедов кўрсатув учун мусоҳаба бермоқда (пастда). Сураткаш С. ВЕЛИЧКИН.

(ЎЭТАГ).



ТУРКМАН МАУГЛИСИ

ИККИ йил муқаддам «Туркменская искра» республика газетаси бўрилар ўғирлаб кетган бола ҳақида биринчи бўлиб хабар берган эди. Бола тирик колди. Бўрилар инида катта бўлган Жума Жумаев инсоний турмушга — тунда кўрпача устиде ухлашга, стол кўрида ўтириб оқватленишига зўрга кўниди.

«Туркменская искра» Жумаев кейнинг тақдирни ҳақида ҳикоя қилиб берди. Газетада хабар босилгач, Жумани текширишиб, уни ногирон деб бўлгилашди, сўнгра Ашҳобод яқинидеги маҳсус шифохона-интернатга жойлашди.

У Тания хола — пенсионер Татьяна Кузьминична Карповани ўз онасидек кутуб олади. Татьяна Кузьминична меҳршафат тадбири билан касалхонага келган вақтида Жумаев билан танишган эди. Шундан сўни у болага меҳр қўйди, теззет келиб туради. Жума эса уни кўриб суюнади, уйига олиб кетишини илтимос қиласди. Бечора қандай олиб кетсан?

Бу қоракўз бола унга ким бўллади? «У ўғимдек бўлиб колган», — дейди Тания хола. Татьяна Кузьминична бир неча йилдан бўён тутинган ўғлига кийим-кечак, озиқ-овқат келтиради. Унинг номига омонат дафтарчasi очиб, тежаган пулларини ўтказиб қўймоқда. Болани уйига олиб кела олмаслигидан куйинади. Оилада, уй шаронтида яшаш Жума учун яхширок бўлур эди, дейди у.

Газета Жумани васийликка олиб, унга одамлар орасида бўлиш кувончини баҳш эта оладиган раҳмадил кишилар топилса керак, деб ишонч билдириди.

[ТАСС мухбари].



• ҲАР ТЎГРИДА •

НИТРАТ МИҚДОРНИНИ АНИҚЛАЙДИ

● САБЗАВОТ ва меваларда нитрат миқдорини ўлчашучи электрон анжомлар — нитро ўлчагичлардан фойдаланилади. Бироқ уни кўпилимни харидорлар сотиб ололмайдилар, киммат. Лекин ҳар бир харидор маҳсулотдаги заҳарли моддалар миқдорини аниқ билиш учун оддий мослама — кимёйдик биримлар таъсирига солинтиради. «Нитрат — тест»да ҳар кунн иштөмоял қилиниши мумкин бўлган нитратлар ва нитритлар миқдори ҳар бир киши учун (унинг вазнига қараб) қанча бўлиши мумкиниги ҳам кўрсатилган.

Бундай индикаторни [у «Нитрат-тест» деб аталади] совет швейцария қўйшина корхонаси

● [Москва] қиқара бошлади. У ён дафтарчасидек бўлиб, рангли текшириш жадвали бор. Индикаторлар унинг сезигир йиртиловчи варажандаридир. Ҳар бир варажда мева ёки сабзат шарбатидан бир неча томчи томизилади. Орадан биринки дақиқа ўтгач, шу варажда ҳосил бўлган рангни текшириш варажаси роҳида. «Нитрат — тест»да ҳар кунн иштөмоял қилиниши мумкин бўлган нитратлар ва нитритлар миқдори ҳар бир киши учун (унинг вазнига қараб) қанча бўлиши мумкиниги ҳам кўрсатилган.

УШБУ садифа материалларини вилоят табиатни муҳофaza қилиш қўмитаси фан-техника тарақ-қиёти ва тарғибот бўлими ҳодимлари ҳамда «Тошкент дақиқати» мухбирлари тайёрлашди.



КҮРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

Душанба, 21

● УзТВ I

- 18.00 Янгилклар.
18.10 «Учар хўтиқча». Мультфильм.
18.20 «Обуна-92».
18.50 «Тилимиз муммомлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Узбекистон Давлат телерадиоси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
20.15 «Ёшлик хандаси».
21.00 «Ахборот».
21.25 Шукруло. «Жанжал». Олим Хўжаев номидаги Сирдаре вилоят театрининг спектакли.
22.45 «Дадиллик учун юз грамм». Бадний фильм [«Мосфильм»].

24.00 Эртаниги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

- 18.30 «Эртаниги кун жадвали». Телефильм.
19.00 «Ассалому алейкум» (трактор).
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
20.25 «Утган куннавар унугтилмайди». Телефильм.
20.50 «Миршикорлар».
21.30 Москва. Информацион программа.
22.10 «Насридин Бузорода».

Бадний фильм [«Узбекфильм», рус тилида]. ТЕЛЕТОМОШАВИЛЛАР ДИҦҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан, душанба, 21 октябрь иуни МТ — «Орбита IV» кўрсатувлари соат 15.30дан, МТ — «Дубль» [IV] кўрсатувлари esa соат 15.40дан бошлаб намойиш этилади.

● МТ — «Орбита IV»

- 15.30 ТСН.
15.45 «Бу бўлган, бўлғанди». 16.00 «Бўлмадагилар, тингланг». Телевизион бадний фильм. 1-серия — 17.10 Болалар соати [Француз тили дарси билан].
18.10 «Ўн бир йил ва бир умр». 18.55 «Ён дафтари». 19.00 ТСН.

19.15 «Бозор. Танлаш даври». 19.45 «Россия камдан кам тушига киради...». Ҳужокатли фильм премьераси. Ф. И. Шаляпининг ҳәёти ва ижоди ҳақида [«ЦСФД»].

20.20 МТ экранда биринчи марта. «ИФ қальасининг маҳбуси». Бадний фильм. 1-фильм. 1-серия — «Аббат Фария» [Одесса киностудияси «Интар-медиа» (Франция) иштирокида суратга олган]. 21.30 Информацион программа.

- 22.10 Футбол шарди.
22.40 М. Е. Салтиков-Шедрин. «Соялар». Телевизион спектакль премьераси.
00.30 ТСН. Ҳалқаро воқеаларга бағишиланган сон.

00.45 Муаллифлар ойнижао-ни.

02.30 МТ экранда биринчи марта. «ИФ қальасининг маҳбуси». 1-фильм. 1-серия — «Аббат Фария».

● МТ — «Дубль IV»

15.40 «Кичинек бекатдаги иши». Телевизион бадний фильм [«Мосфильм»].

16.50 «Мусаввирлар ҳақида ҳикоялари». Н. Ромадин.

17.30 «Телевизион мусицин абонементи». Эмиль Гилельс. Чет эл сафарларни архиви-дан.

18.30 Мультфильм.

18.45 «Ҳайвонот оламида» (суро-да таржимаси билан).

19.30 «Шахсий финир».

19.40 «Қирралар». Бадний-пуб-лицистик кўрсатув.

20.25 Эълонлар.

20.30 Ҳабарлар.

20.50 Ҳайрли тун, ичинингтой-лар!

21.05 Деҳқонларга таалуқли масала. «Муқаддас ман-ба».

21.35 Екатеринбург ҳужжатчи-ларининг энг яхши фильмлари: «Биз барҳаёт ҳали бў-либ қолдин», «Жириновский», «Мулонон», «Ҳарбий сир».

22.35 «Бешинчи гидиран». Бадний-публицистик кўрса-тув.

23.25 Эълонлар.

23.30 Ҳабарлар.

23.45 «Бешинчи гидиран» (давоми).

10.35 Мультфильм.

10.40 Москва камер хорининг концерти.

11.25 Рус маданияти ҳақида сұхбатлар.

12.00 «Бешинчи гидиран». Бадний-публицистик кўрсатув (трактор).

14.00 «Грандланник дъъвоси». Телевизион бадний фильм. 1-серия («Молдава-фильм»).

15.05 Ритмик гимнастика.

15.35 Телевизион ҳужжатли фильм.

* * *

17.45 «Саъдатчилар клуби» (суро-да таржимаси билан).

18.45 А. С. Пушкин шेърлари янграйди.

19.15 Компьютер билан мулодат

19.45 «Узоқ Шарқ». Телекурса-тув.

20.30 Ҳабарлар.

20.50 Ҳайрли тун, ичинингтой-лар!

21.05 Концерт.

22.05 СНВ. Махсус тижорат хабарнома.

22.15 Екатеринбург ҳужжатчи-ларининг энг яхши фильмлари: «Ҳашмир овоз берни», «Шоҳсупали манзара».

23.05 «Очигини айтгандай». «ГКЧП энг олис ўлаларга-ча». Кўрсатувни В. Цветов олиб боради.

23.35 Ҳабарлар.

23.55 Эълонлар.

24.00 «Рус романси жозибаси».

* * *

Сешанба, 22

● УзТВ I

- 8.00 «Ахборот».
8.25 «Соглом бўлай десангиз». 8.35 «Излаб топ мени, Лёня». Бадний фильм [«Ленфильм»]. 10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележаридга».

* * *

- 15.55 «Пахтакор» ва СССР терма командалари фаҳриялари ўтасида футбол ўйини.
17.45 «Арқон», «Ҳамма нарса яхшили билан тугагани яхши». Мультфильмлар.
18.00 Янгилклар.
18.10 «Дўстлар». Мультфильм.
18.20 «Кичинингтой» устахонасидав.
18.50 «Жамоат ташкилотларида». 19.20 «Шеърият дафарида». Ҳалима Аҳмедова.
19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Хива». «Ўзбектеле-фильм» премьераси.
20.00 «Хорманг, пахтакорлар!». Кўрсатув ва концерт.
21.00 «Ахборот».
21.25 «Спортлото».

21.30 «Санъат усталари». Куондиқ Искандаров.
22.30 «Мустақил Узбекистон». Видеофильм.
00.05 Эртаниги кўрсатувлар тартиби.

- УзТВ II
10.30 Информатика. «Бейсик» тили (ўқув кўрсатви).
11.00 «Табнат ёйинидаги рақси». Телефильм.
11.30 «Ойла» (трактор).
* * *
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Мусиқий меҳмонхона». 19.00 Спорт кўрсатувлари: 1. Спринт. 2. Регби бўйича СССР биринчилиги.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Серафима ороли». Телевизион бадний фильм.
21.30 Москва. Информацион программа.
22.10 «бу оқшомда» кўрсатуни сифифаларида.
● МТ — «Орбита IV»
7.00 «Тонг».
9.35 МТ экранда биринчи марта. «ИФ қальасининг маҳбуси». 1-фильм. 1-серия — «Аббат Фария».

10.40 Болалар соати [Француз тили дарси билан].
11.40 Ҷирк майдониде.
12.30 ТСН.
12.45 Биржа янгилклари.
13.00 «Бир биринга ўшаш дунёлар».

- * * *
14.45 «Телемикст». 15.30 ТСН.
15.45 «Масловкадаги ўй». Ҳайкалтаро Н. И. Нисс-Гольдман ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
16.15 «Бўлмадагилар, тингланг». Телевизион бадний фильм. 2-серия.
17.20 «Чемпионлар билан биргаликда». 17.35 «Болалар мусиқий клуби».
18.20 «Седргар Баҳромининг мероси». Мультфильм.
18.40 Биржа янгилклари.
19.00 ТСН.
19.15 «Ён дафтари».
19.20 «Қизиқувчилар олами».
19.35 «Босқичлар».
20.20 МТ экранда биринчи марта. «ИФ қальасининг маҳбуси». Бадний фильм. 1-фильм. 2-серия — «Граф Монте Кристо».

21.30 Информацион программа.

22.10 Санъат усталари. СССР ҳалқ артисти Ю. Яковлев.

23.30 Парламент кундалиги.

23.45 Белорусия Давлат телерадиоси академик хорининг чишиши.

00.30 ТСН. Ҳалқаро воқеаларга бағишиланган сон.

00.45 «Сўз» ижодий бирлашмаси таништиради: «Китобхона».

01.50 Епископ Василий Родзянко билан сұхбатлар. 13-кўрсатув.

02.10 Атлетизм. СССР чемпионати. Минскдан кўрсатилиди.

02.55 МТ экранда биринчи марта. «ИФ қальасининг маҳбуси». Бадний фильм. 1-фильм. 2-серия — «Граф Монте Кристо».

● МТ — «Дубль IV»

9.00 Эрталабки бадантарбия машидари.

9.15 Телевизион ҳужжатли фильмлари: «Лишанбада тайга», «Бедана».

9.35 Француз тили. 1-йил шугулланётганлар учун.

10.05 Француз тили. 2-йил шугулланётганлар учун.

01.45 «Саъдатчилар клуби» (суро-да таржимаси билан).

18.45 А. С. Пушкин шеърлари янграйди.

19.15 Компьютер билан мулодат

19.45 «Узоқ Шарқ». Телекурса-тув.

20.30 Ҳабарлар.

20.50 Ҳайрли тун, ичинингтой-лар!

21.05 Концерт.

22.05 СНВ. Махсус тижорат хабарнома.

22.15 Екатеринбург ҳужжатчи-ларининг энг яхши фильмлари: «Ҳашмир овоз берни», «Шоҳсупали манзара».

23.05 «Очигини айтгандай». «ГКЧП энг олис ўлаларга-ча». Кўрсатувни В. Цветов олиб боради.

23.35 Ҳабарлар.

23.55 Эълонлар.

24.00 «Рус романси жозибаси».

* * *

12.00 Биз ҳали билмаган Россия. «Манбаларга иуроажатнилсан».

12.35 «Очигини айтгандай». «ГКЧП энг олис ўлаларга-ча».

13.05 «К-2» таништиради.

13.50 «Грандланник дъъвоси». Телевизион бадний фильм. 2-серия.

14.55 Нижний Новгородда Волгабўйи ҳалиларининг ичинчи фольклор фестивали.

* * *

16.40 «Биз яшайтган олам». Ренкисёр Д. Садирбоев ҳужжатли фильмлари, «Халиқим дахоси» (Бишкек).

17.25 «Урмон қўйинда». Мультфильм.

17.45 Менеджерлар мактаби.

18.15 Россиянинг парламент хабарномаси.

18.30 Патрисия Каас Москвада.

20.30 Ҳабарлар.

20.45 Ҳайрли тун, ичинингтой-лар!

21.00 Екатеринбург ҳужжатчи-ларининг энг яхши фильмлари: «Алвасти», «Кимгани қўйши ҳамроҳ бўлса».

21.30 Эълонлар.

2-сериялар. Танаффус пайтида — Парламент кундалиги.
00.20 ТСН. Халқаро воқеаларга бағышланған сон.
00.35 «Мусыккій башорт». 01.05 Епископ Василий Родзянко билан сұхбаттар. 14-күрсатув.
01.25 Й. Гайди. Ре минор месаси.

● МТ— «Дубль IV»
9.00 Эрталабки бадантарбия машылар.
01.15 «Чойнан масалалары». Телевизион хужияттылық фильм.
9.35 Испан тили. 1-йил шуғуланаётгандар учун.
10.05 Испан тили, 2-йил шуғуланаётгандар учун.
10.35 «Алёнушка» ва аскар». Мультфильм.
11.00 «Менге наисиб қылган

КҮРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ



йил...». Наум Коржавин.
12.00 «Нозыма Минин. Таңдирга хотима». Хужияттылық фильм.
12.30 Подольск епископи Виктор, Д. Лихачев, Ш. Ямшуков «Правда» ва Ямское поле күчесининг бурчаги» күрсатув.
13.00 «Сталиннинг тиззасида». Хужияттылық фильм.
13.30 Биз ҳали билмаган Рос-

сия. «Елена ва Сергей...». Владивосток шахрилик ёш мусаввирлар ҳақида.
14.00 «Мұхаббат юлдузлары». Телевизион бадий фильм. 1-серия («Узбекфильм»).
15.05 «Она-замин ташвишида» турниридан телевизион хужияттылық фильм.
15.35 Гитара чи А. Кузнецов мишироқида фильм-концерт.
16.10 Ритмик гимнастика.

* * *
17.45 Билимдонар учун машины.
18.05 Рус тили.
18.45 «Мұлоқот-анжуман». 19.45 «Онам, дадам ва мен». 20.30 Хабарлар.
20.50 Хайрли тун, кичинкитой-лар!
21.05 Екатеринбург хужият-

чилиарнинг энг яхши фильмлари: «Мисрлини». 22.00 РСФСР Олий Конгрессиң сессиясыда.
22.30 «Бешинчи гидиран». Бадий-публицистик күрсатув.
23.30 Хабарлар.
23.50 Эълонлар.
23.55 «Бешинчи гидиран» (давоми).

Жума, 25

● УзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.25 «Софлом бўлай дессангиз». 8.35 «Мутлук устунлик билан». Бадий фильм (М. Горький номли киностудия). 9.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишони». * * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қайтиш». Мультфильм.
18.20 «Қиши эшик қоқмоқда». 18.50 «Фан» телевизионаси.
19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Ёшлик» жаридаси сади-фаларида.
20.15 Наргиза Олимова рақсга тушади.
21.00 «Ахборот». 21.25 «Хорманг, пахтакорлар!». Кўрсатув ва концерт.
22.25 Ойнаш жаҳонда биринчи марта. «Ўзи». Бадий фильм («Ленфильм»).
00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

10.30 Ботаника. Бутгулдошлар оиласи (ўкув кўрсатуви). 11.00 «Ҳозиронот оламида». Кинонограмма.
* * *
БИШКЕК КЎРСАТАДИ:
18.35 «Доктор Бартек ва ўлима». Мультфильм.
18.45 «Қўйна ёдгорликлар». 19.00 «Ала-Тоо».
19.30 «Мезгил байланиши» (киргиз ва рус тилиларida).
19.50 «Қирғизтелефильм» кўрсатади. «Мен жумушчумун». 20.10 Давлат Ҳафзизлик кўмитасининг матбуот маркази хабар қилади.
20.30 Жалолобод кўрсатади. «Мамлекеттик тил миззамини эни жила». 21.00 «Бизнинг умумий уйи-миз». Ўйғур тилида кўрсатув.
21.30 Москва. Информацион программа.
22.10 Шоир ва драматург К. Маликов таваллудининг 80

йиллигига. «Биздин Кубаничбек». ● МТ— «Орбита IV»

7.00 «Тонг». 9.50 «...16 ёшгача ва ундан кattaлар». 10.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 11.30 «Музликлердаги антеннапар». Мультфильм.
11.40 «Эски танишларнинг оглавий хроникаси». Телевизион хужияттылық фильм. «Артём». 1 ва 2-сериялар. Танаффус пайтида (12.30) — ТСН.
* * *
15.30 ТСН.
15.45 «Ҳозирча биз билансиз». 16.00 «Синган трест». Уч се-рияли телевизион бадий фильм. 3-серия.
18.05 Биржа янгиликлари.
18.35 «Шерик». 19.05 ТСН.
19.15 «Инсон ва қонун». 20.00 «ВИД» таништиради: «Мўжизалар майдони».

12.30 Информацион программа.

22.10 Футбол шарди.
22.40 «ВИД» таништиради.
01.55 ТСН. Халқаро воқеаларга бағышланған сон.
02.10 Парламент кундалиги.
02.25 «Поэзия». С. Есенинга бағишланади.
03.25 Сизин Карл Мойк так-лиф этади (Австрия).
● МТ— «Дубль IV»
9.00 Эрталабки бадантарбия машылар.
9.20 Н. Пейко. Квинтет-вариацийлар.
9.35 Инглиз тили. 1-йил шуғуланаётгандар учун.
10.05 Инглиз тили. «АҚШ онла альбоми». Мультфильм.
11.00 Ю. Нагибининг муаллифлар кўрсатувлари. «М. Ю. Лермонтов. Ҳәти ва ижоди саҳифалари». 12.00 «Бешинчи гидиран». Бадий-публицистик кўрсатув (такрор).
14.00 «Мұхаббат юлдузлари». Телевизион бадий фильм. 2-серия.

15.10 П. И. Чайковский номли трио чалади.
15.30 К. Гоцци. Театр учун эртаклар.

* * *

17.30 «Меросдан ақлингни ишлатиб фойдалан». Илмий-оммабол фильм.
18.00 «Адам Синт бойлмиғи дунаси». 18.35 «Делегатскандаги музей». 19.15 Тадбиркорлар ва айзана.
19.30 Россиянинг парламент хабарномаси.
19.45 Театр сафари. «Сахна ортидан қараганд». В. Ва-сильев «Золушка» балетини репетиция қилади.
20.45 Хабарлар.
21.05 Эълонлар.
21.10 Хайрли тун, кичинкитой-лар!
21.25 «Вестник» Зальцбургда. Ю. Башибет ва унинг «Солисти Москвани оркестри», 4-фильм.
21.55 Екатеринбург хужиятчилиарнинг энг яхши фильмлари: «Бувимнинг уйи», «Мен уйимга борадим».
22.55 РСФСР Олий Конгрессиң сессиясыда.
23.20 Эълонлар.
23.30 Хабарлар.
23.50 «Тентаклар марафони». Дам олиш кўрсатув.

Шанба, 26

● УзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». *
9.00 «Серёжа». Бадий фильм («Мосфильм»).
10.15 Спорт кўрсатувлари: 1. «Құвноқ спартлар». 2. «Шохрух» клуби.
11.55 «Оналар мактаби». 12.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Дугоналар». 13.20 «Экология». Тележарнада.
14.00 «Театр ва замон». «Наврӯз» театр-студияси — меҳмоннамоз.
14.40 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Чархпалак» ёки «Бахтигандан кўр». 7-кўрсатув (такрор).
15.50 «Тошкент термослари». * * *
18.00 «Филон». Телевизион.
18.10 «Мультипанорама». 19.00 «Ўзбек тилинни ўрганизмиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.
20.00 «Мұхаббат навоси». Э. Вақидов ғазаллари билан айтиладиган юшиқлар.

21.00 «Ҳафтанома». 22.00 «Кино, кино, кино...». Кинонограмма.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

АШХОБОД КЎРСАТАДИ:
11.05 Спорт канали (рус тилида).
12.00 Умумхалқ референдумининг бориши ҳақида репортаж.
12.15 Фильм-концерт.
13.00 «Оба дурмуш». Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўрсатув.
14.00 «Биз — автомобилчилармиз». Видеофильм.
* * *
17.05 «Қардошлик». Узбекистон телевидениесининг кўрсатуви (рус тилида).
18.05 Умумхалқ референдумининг бориши ҳақида репортаж.
18.20 «Едиген». Адабий-музыкий кўрсатув.
19.30 Телефильм.
19.55 «Туркменистан» (рус тилида).
20.10 Кичинкитойлар, сизлар учун.
20.30 Кичик саҳналар.

21.00 «Туркманистан». 21.30 Москва. Информацион программа.

22.10 1991 йил ҳосили. «Омад сизга, пахтакорлар!».
22.30 «Қайғусиз Отабоев». Телевизион бадий фильм. 1-серия.
● МТ— «Орбита IV»
7.00 Ритмик гимнастика.
7.35 «Сичқонча ва қора ниқоб». Мультфильм.
8.00 Дўстлик концерти.
8.30 Ритмик гимнастика.
9.00 ТСН.
9.15 «Здоровье».
9.45 «Ҳозиронот оламида».
10.30 «Бурда моден» таклиф этади...
11.00 Тонгги дам олиш кўрсатуви.
11.30 «Қизиқувчилар олами». 11.45 «Қўшиқ ҳақида хотира». 12.20 Экологик шарҳ.
12.35 Мультфильм.
12.40 Режиссёр А. Белинский фильмлари. «Бальзаминовнинг уйланиши» («Ленфильм»).
14.00 Иктиносид ғентилек.
15.00 «Ўз-ўзинга мадад бер». 15.50 Эртаклар ва саргузашлар оламида. «Зое кетган

вақт ҳақида эртак» («Мосфильм»).
17.20 «Одамлар ва тарих». Юқори синф ўқувчилари учун кўрсатув.

18.20 «Ажойиб шаҳар Москва». Олти серияли телевизион хужияттылық фильм. 1-серия.
19.05 Миллий баскетбол ўюшмаси профессионаллари ўтасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. Финал. «Чикаго буллз» — «Лос-Анджелес лейкерс». 20.05 «Майя ариси». Кўп се-рияли мультфильм премьераси. 17-серия.
20.30 «Мусиқа ва мода». 21.30 Информацион программа.
22.10 «Эдди Холмининг иккинчи умри». Телевизион бадий фильм премьераси (Дания телевидениеси).
23.40 Парламент кундалиги.
23.55 «Бир бокиша...». Биринчи кун.
00.35 «Бир бенефис тарихи». Барри Алибасовнинг «Назар томошаси». 01.50 «Чашма». Телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар [«Грузия-фильм»].
● МТ— «Дубль IV»

8.30 Эрталабки бадантарбия машылари.
8.45 Мультфильм.
9.05 «Пост-мюнте-91» фести-вали.

*

11.05—14.30 УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
14.30 «Уз қўнгироҳонасида» (Санкт-Петербург).
14.50 Ҳалқ анъаналарининг қайта тилданётгандаги ҳақида кўрсатув.
15.35 «Асрар, аввали». 16.30 РСФСР Олий Конгрессиң сессиясида.
17.10 «Чистие прудидаги уй». (Р. Биков маркази).
18.50 «Республика» ижодий ишлаб чиқарниш ўюшмаси намоиш этади.
19.45 В. Познер ва Ф. Донахью кўрсатув.
20.35 Хабарлар.
20.55 Хайрли тун, кичинкитой-лар!
21.10 «СССР матбуот малинаси».
21.45 Ногиронлар ўртасида футбол бўйича жаҳон кубоги.
22.10 «Росмузимпорт». 23.10 Эълонлар.
23.15 Хабарлар.
23.35 «Джаз немаси». Мусиқий кўрсатув.
00.05 Бадий фильм.
01.30 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. «ВЭФ» (Рига)—МАСК.

*

11.30—16.05 УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

16.05 «Қизил тўйлар». Бадий фильм (Франция).
17.40 «Республика» ижодий ишлаб чиқарниш бирлашмаси на-мойниш этади.
18.35 Л. Вайкуле билан учрашув.
19.25 Россиянинг парламент хабарномаси.
19.35 Россия энциклопедияси. Лосев сұхбатлари.
20.30 Хабарлар.
20.50 Хайрли тун, кичинкитой-лар!
21.05 «Йўлдагилар учун». Хужияттили фильм.
21.35 Виндсерфинг бўйича СССР чемпионати. Анападан кўрсатилиши.
21.50 «Жанр излаб». Л. Филатов.
23.25 Эълонлар.
23.30 Хабарлар.
23.50 «К-2» таништиради: «Медиа».

Якшанба, 27

● УзТВ I

8.00 «Ҳафтанома» (такрор). *
9.00 «Париларнинг кузыги соваси». Бадий фильм («Беларусьфильм»).
10.15 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Болалар» видеока-нали.
12.45 Араб тили.
13.15 Автомобиль транспорти зодимлари кунига бағышлан-ған кўрсатув.
13.50 Инглиз тили. 9-машғулот.
14.20 Жаҳон кубоги-91. Но-гионлар ўртасида футbol бўйича ҳалилар мусобакалар.
15.05 «Қизиқарли утрашув-пар». Шоҳбоз Низомиддинов сипаси.
15.30 «Дадил қадам». * * *
18.00 Болалар учун. «Кичинкитой».
18.30 «Халқаро ҳаёт». 19.00 «Сиҳат-саломатлиқ».

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 20.00 «Билдирий». Телевизион («Ўзбектелефильм»).
20.10 «Ҳорманг, пахтакорлар!». Кўрсатув ва концерт.
21.00 «Ахборот».

21.25 «Қайшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.
22.25 Алишер Навоий номидаги Узбекистон Республикаси давлат мукофотининг совиндори Абдулжамид Чўлпон.
23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
● УзТВ II
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
8.00 «Сапеда». Мусиқий ахбо-рот.
10.05 «Оғарин». Қувиноқ спорт ўйинлари.
10.55 Кинонограмма.
11.35 «Сүғдиёна» кизлари. Бадий фильм.
* * *
17.05 «Сўғдиёна» кизлари. Бадий фильм.
18.20 «Гулшани адаб». 19.00 «Қошонан Лайли». 20.00 «Ахбор».

ТОҒ СҮҚМОҚЛАРИДА



С. ВЕЛИЧКИН олган сурат.

(УзТАГ).

БИЛИБ
ҚҮЙГАН
ЯХШИ

ИНСОН миясининг дар иккала палласида киттаги 5 дан 200 микронгача етадиган камидаги 14 миллиард асаб ҳужайралари бор. Ҳар бир ҳужайра бошқа ҳужайралар билан утра ҳисобда 3—4 минг жойдан боғланга, бош миясининг ҳаммасида эса бундай боғланниш 56,10¹² гача етади.

МИЯДАГИ асаб тўки-маларида кимёвий реакциялар жуда тез рўй беради. Тинч ҳолатда кишининг бутун таниси тахминан 300 куб сантиметр кислород сарф қилиди. Шундан 50 куб сантиметри мияга тўғри келади. Юрак ҳам кислородни миячалик сарф қилиди.

ОДАМ мияси (1000—2000 грамм) фил (5000 грамм) ва китдан ташқари ҳамма ҳайвонларнинг миясидан оғирдир. Гавдасининг оғирлигига нисбатан олганда эса, ер юзидағи ҳеч бир дайвон, миясининг оғирлиги жидатдан одамнинг одига тушаолмайди. Масалан, кит миясининг оғирлиги унинг гавда оғирлигининг 20 мингдан бир улушини, филиники — 500 дан бир улушини, отники — 400 дан бир улушини, ятники — 250 дан бир улушини, одамсимон маймунники — 100 дан бир улушини, одамники эса 46 дан бир улушини ташкидади.

С. ОДИЛОВА тайёрлабди.

ГЎЗАЛЛИККА ДАЪВАТ

Үқувчи ёшларда нафосат туйгуларини ўтиришда тасвирий санъат ва бадий меҳнатнинг тутган ўрни катта. Шу сабабли мактаб таълимни шароитида эстетик тарбия бериши кенг йўлга қўйишида самарали илмий-педагогик кузатишлар олиб борилмоқдади.

Тасвирий санъат ва бадий меҳнат жараёнида гўзалик тарбиясини ҳар томондама шакллантиришга қартилган тажриба-кузатув ишлари ҳам самарали якунланди. Муҳими шундаки, Иттилоқ миқёсидаги бундай кенг қамровли маърифий тадбир амалга оширилди. Натижада

кўпдан бери кутилган «Тасвирий санъат ва бадий меҳнат» ўқув дастури юзага келди.

Қарийб ўн йил мобайнинда синчковлик билан ўтказилган бу кузатишлар чорига иттилоқ доирасида тузилган айрим муҳим тажриба дастурларидан ҳам кенг фойдаланилди. Иттилоқ рассомлар уюшмаси, Педагогика фанлари академияси ва бошқа йирин мусассасалар тажриба дастурларига ҳам асосланнилди.

Янги дастур учун ўқувчи аҳлоқий-эстетик тарбияси асос қилиб олинди.

А. АЛИЕВ.

ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон ёшлар иттилоқи, Ўзбекистон Телекўр-сатув ва радиоэшилтириш давлат қўмитаси «ТОШ-КЕНТ» студияси, Ўзбекистон А. Қодирий жамғармаси, республика «ЁШЛИК» ойномаси

ҲАМҚОРЛИКДА
декабрь ойидаги

«КАМОЛОТ-91»

ЕШ ХОНАНДАЛАР ТАНЛОВИНИ
УТКАЗАДИЛАР

• Эълонлар бурчаги •

ТАБИАТНИНГ
ЎЗИ ТАБИБ

— УЗР, Сандобо, табии зираворлар чиндан ҳам шифобаҳшдир. Меваларимизнинг ҳислатлари ҳам булардан қолишмайди. Мана, масалан, беҳи ҳақида ҳам антиқа ҳикоятларни эшитганимиз.

— **МАШОЙИХЛАРДАН** қолган бир гап бор: агар одамлар наъматакнинг бутун хосиётларини билганиларида уни ҳеч бир подшоҳнинг ҳазинасига алмашмаган бўлур эдилар. Бунинг тагида катта ҳикмат бор. Қаранг, ўпка сили, жигар, ўт қопасининг яллигланиши, ичак, бўйрак, қовуқ, касалликларидан наъматак жуда катта наф келтиради. Шунингдек, унинг меваси асосида тайёрланган қайнатма конни тұхтатиши кувватига эга. Ҳарорат күтарилганда наъматак дамламаси дарҳол уни пасайтиради.

— Наъматакнинг факет мевориворми?

— Йўқ, унинг гуллари ҳам, мевалари ҳам, бараглари ҳам, ҳатто, илдизлари ҳам шифобаҳш хисобланади. Менинг отам раҳматли буйракдеги тошларни тусириша ёхуд улар оғриқ берганда наъматак илдизларидан тайёрланган қайнатманы тасвия этар эдилар. Булардан ташқари қадим замонлардан буён наъматак қай-

БЕҲИ



— АФСОНА, латифаларнинг замарида ҳам маълум даражада ҳақиқат ётади. Шундан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкини, беҳи қадим замонлардан буён чиндан ҳам шифобаҳш мева ҳисобланиб келинган. Унинг таркибидағи турли хил бекиёс фойдалар моддалар шундай хулоса чиқаришимизга асос бўлади.

Кунларнинг бирида бизнинг бир танишимиз кейинги пайтларда нафас олиши қийинлаштептанидан зорланниб қолди. Бултур тасодифан союқда қолиб кетганидан сўнг шу ахвол бошланнибди. Мен унга ўзини «беҳига боғлаш»ни тасвия этдим. Бу ниме дегани: ҳафтада иккى ёхуд уч марта беҳи истеъмол этилади. Беҳининг кўрда пиширгани ёхуд паловда дамлангани нафас олиши йўлларини равонлаштиради. Ҳалиги танишимиз мен айтган тасвияни уч-тўрт ой давом этитирди. Буни қарангки, оллонинг каромати, беҳининг шарофати билан у одам ўзаридан буткул фориғ бўлди.

— Демак...

— Ҳа, буюк аллома Ибн Сино ҳам беҳи мевасидан тайёрланган дамламани ич кетиш, йўғон ичак яллигланиши каби ҳолатларда тасвия этган. Нафас кисиши, юрак фаолиятининг бузилиши, сарик, ҳиқчик туттиши, қорин оғриғи, кон тупуриши, қайт этиши, мия оғригини қолдириша ҳам беҳи меваси ва унинг шаобати катта фойда келтиради. Бедармонлик, камконлик, йўтал, мөъда, жигар ва буйрак ҳасталикларида ҳам унинг олдига тушадиган нельмат йўқ деса бўлади.

— Ҳозир бавайни куз фасли. Атрофингиздаги тоғларда наъметак пишиб этилди...

— Наъматак — итбурун ҳақида гапириб беринг, демокричизизда.

— Худди шундай.



натасидан одамлар майда тошмаларни йўқотишида, кизилча, ич терлама сингари касалликларни даф этишда фойдаланиб келгандар.

Уй шароитида наъматак меваларидан қайнатма тайёрлаштумаларни қийин эмас. Оғзи ёпиладиган сирли идишга иккى стакан сув куйлади ва бир ош қошиқ уруғидан тозаланган наъматак меваларининг уқаланмаси солинади. У 10 дакида давомида қайнатилади, сўнг 10—15 соат тиндириллади. Қайнатма докеда сузилгач, кунига уч маҳал ярим стакандан ичилади.

Лекин бир гапни айтиб қўйяй, наъматакка кўп ружу қилиш ярамайди. У сунистеъмол этилса, мөъда ости безларига салбий таъсир этиши мумкин.

Судбатдош Р. УМАРОВ.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

Халқимизнинг ёш, умидли, иқтидорли, хушловоз хонандаларини намоён этиш мақсадида ўтказиладиган ушбу танловда 33 ёшгача бўлган хонандалар қатнашилари мумкин.

Танлов иштирокчилари танлов ҳайъати эътиборига 2 та ихтиёрий қўшиқ тақдим этишлари шарт.

Аризалар 10 декабрга қадар 41-45-20 телефон рақамлари ёки «ЁШЛАР УЙИ» ёшлар учун танловлар ва фестиваллар ташкилий қўмитасига ёзма ҳолда топширишлари мумкин.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Пахтакор кўчаси, 5-йй, «Ёшлар уйи», 205-хона (Санъат саройи кинотеатри қаршисида).

ТАНЛОВ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИ.